

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР РИВОЖИ – КЎПЛАБ ИМКОНИЯТЛАР КАЛИТИ

Искандарова Гулрух,

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

Хорижий алоқаларни ривожлантириш хизмати раҳбари

Халқаро алоқаларнинг ривожини ҳар соҳа учун муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, кутубхоначиликда ҳам. Ахборот-кутубхона соҳасида дунёнинг илгор тажрибалари билан танишиш, уларнинг кенг имкониятларини бизнинг кутубхоналарда жорий этиш муҳим омилдир. Шу мақсадда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида халқаро алоқлар ҳам муҳим йўлга қўйилган.

Миллий кутубхона Россия, Хитой, Қирғизистон, Миср Араб Республикаси, Озарбайжон, Корея, Туркменистон, Польша, Эрон каби хорижий давлатларнинг бутун дунёга машҳур кутубхоналари: Россия Давлат кутубхонаси (2009–2014), Шанхай кутубхонаси (2013–2018), Қирғизистон Миллий кутубхонаси (2005–2010), Миср Араб Республикаси Искандария кутубхонаси (2007–2015), М.Ф. Ахундов номидаги Озарбайжон Миллий кутубхонаси (2008–2018), Миср Араб Миллий кутубхона ва архивлар Бош бошқармаси (2008), Кёнхи университети марказий кутубхонаси (2014), Туркменистон Миллий маданият маркази Миллий кутубхонаси (2011–2016), Россия Миллий кутубхонаси (2010–2012), Польша Миллий кутубхонаси (2004–2014), Эрон Миллий кутубхонаси (2005–2011) ҳамда Ўзбекистондаги БМТ тараққиёт дастури (2012–2014) билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

Бу каби муҳим шартномалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган тартибда кўриб чиқилгандан сўнг имзоланган меморандумлар доирасида кўплаб амалий ишлар бажарилди. Жумладан, Россия Давлат кутубхонаси томонидан 2040 нусха ахборот-кутубхона ресурслари билан Миллий кутубхона фонди бойитилди, ўз навбатида, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси 1460 нусха ахборот-кутубхона ресурсларини Россия

Давлат кутубхонасига юборди. 2007 йилдан ҳозирга қадар Миллий кутубхонанинг «Илм» ўқув залида Россия Давлат кутубхонаси электрон диссертациялар базасидан очик фойдаланиш дастури амалга оширилмоқда. Россия Давлат кутубхонаси томонидан ҳар йили ташкил қилинадиган «Румянцевские чтения» халқаро конференциясида Миллий кутубхона раҳбар ва мутахассислари иштирок этиб келмоқдалар. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Central Asia–2015» IX Халқаро конференция Россия Давлат кутубхонаси директори А.И. Вислый ва 2 нафар мутахассиси иштирок этди.

Қирғизистон Миллий кутубхонаси билан ҳам алоқлар йўлга қўйилган бўлиб, 2014 йил Қарши шаҳрида бўлиб ўтган VIII Халқаро конференция «Central Asia – 2014» Қирғизистон Республикаси Миллий кутубхонасидан бир нафар мутахассиси иштирок этди. 2014 йил 16–22 сентябрь кунлари Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида «Нодир ва алоҳида қимматга эга нашрларни сақлаш ва қайта тиклаш» мавзусидаги ўқув семинарда Миллий кутубхона мутахассислари иштирок этишди. Миср Араб Миллий кутубхона ва архивлар Бош бошқармаси томонидан 138 нусха ахборот-кутубхона ресурслари қабул қилинди. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳам Миср Араб Миллий кутубхона ва архивлар Бош бошқармасига 140 нусха ахборот-кутубхона ресурсларини юборди. Шунингдек, Туркманистон Миллий маданият маркази миллий кутубхонаси томонидан 362 нусха ахборот-кутубхона ресурслари қабул қилинди. Ўша йили Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси шоир ва ёзувчиларининг ижодий учрашуви бўлиб ўтди.

2013 йили «БМТнинг ахборот-ресурс» ўқув зали ташкил этилди ва БМТ тараққиёт дастури томонидан 2 800 нусха ахборот-кутубхона ресурслари билан бойитилди. Ўзбекистондаги БМТ тараққиёт дастури томонидан «Ўзинг яса», «Нотиқлик санъати», «Вактни самарали бошқариш», «Лойиҳаларни бошқариш», «Ижтимоий тадбиркорлик» ва «Болалар ҳуқуқи конвенцияси» мавзуларида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойдаланувчилари учун ўқув семинарлар ташкил этилганлиги ҳам ҳамкорлик самараси ортаётганидан далолат беради. Бундан ташқари, БМТ тараққиёт дастури томонидан ташкил қилинган «Имо-ишора тили» ўқув семинарида

3 ой давомида Миллий кутубхонанинг 7 нафар ходимлари ўқитилди ҳамда махсус сертификат билан тақдирланди.

Польша Миллий кутубхонаси билан ҳам ўзаро алоқлар йўлга қўйилган бўлиб, у ердан 600 нусха ахборот-кутубхона ресурслари қабул қилинди.

Эрон Миллий кутубхонаси нафақат Шарқ минтақасида, балки дунёда ўз фонди ва миллий бойликларни сақлаш борасида етакчи ўринда туради. Бу ҳақда 2013 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган VII Халқаро «Central Asia – 2013» конференцияда катнашган Эрон Миллий кутубхонаси директори таъкидлаб ўтганди. Бундан ташқари, Миллий кутубхонанинг ҳозирги имкониятлари ҳам ҳавас қиларли эканлигини таъкидлаб ўтганди.

Ўзбекистон Миллий кутубхона билан Шанхай кутубхонаси ўртасида «Шанхайга нигоҳ» лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, бу лойиҳа доирасида Шанхай кутубхонаси томонидан Миллий кутубхона фондига 470 нусха ахборот-кутубхона ресурслари олиб келинди.

Олиб келинган манбаларнинг аҳамияти фан-маданият соҳасида зарур бўлган адабиётлардандир. Бундан ташқари, Миллий кутубхонада 2016 йил 11 июль куни лойиҳа доирасида Шанхай шаҳри ҳақидаги фотосуратлар кўргазмаси ташкиллаштирилди. М.Ф. Ахундов номидаги Озарбайжон Миллий кутубхонаси томонидан ҳам 590 нусха ахборот-кутубхона ресурслари қабул қилинди. Миллий кутубхона томонидан Озарбайжон Миллий кутубхонасига ҳам, ўз навбатида, 115 нусха ахборот-кутубхона ресурслари юборилди. Бундан ташқари, 2013 йил 22–25 сентябрь кунлари Озарбайжоннинг Баку шаҳрида М.Ф. Ахундов номидаги Озарбайжон Миллий кутубхонасининг 90 йиллигига бағишланган форумда кутубхона директор ўринбосари А.Н. Ишматов, 2015 йил 15–17 сентябрь кунлари ўтказилган IV Халқаро китоб кўргазма-ярмаркасида кутубхона мутахассиси 44 нусха китоб билан иштирок этди ҳамда ушбу китоблар Озарбайжон Миллий кутубхонасига совға қилинди. Ўз навбатида, 2014 йил Қарши шаҳрида бўлиб ўтган VIII Халқаро конференция «Central Asia – 2014» Озарбайжон Миллий кутубхонасидан бир нафар мутахассиси иштирок этди.

Бундан кейинги йилларда ўтказилган халқаро тадбирларимизда ҳам Озарбайжон Миллий кутубхонасидан вакиллар ўзларининг

долзарб мақолалари билан иштирок этиб келмоқдалар. Узоқ Шарк мамлакталаридан бўлган Корея Республикасининг Сеул шаҳридаги Кёнхи университети Марказий кутубхонаси билан ҳамкорликда ахборот-кутубхона мутахассислар учун малака ошириш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга қўра, биринчи босқичида 2014 йил 22 июндан 1 июлга қадар 11 нафар мутахассис, лойиҳанинг иккинчи босқичида 2015 йил 25 августдан 2 сентябрга қадар 16 нафар Республика ахборот-кутубхона муассасалари раҳбар ва мутахассислар малака ошириш дастурларида қатнашишди.

Бундай халқаро алоқларининг ривожини юртимизда кутубхона соҳасининг жумладан, китоб тарғиботининг янги дасурларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Дўстлик анъаналарини мустаҳкамлайди.